



“27” декабрь 2019-й № 46

**Уй-жой бозорида нархлар кузатувини ташкил этиш ва индексларни
ҳисоблаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5715-сон фармони, 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, уй-жой бозорида нархлар кузатувини ташкил этиш ва индексларни ҳисоблаш тизимини шакллантириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Уй-жой бозорида нархлар кузатувини ташкил этиш ва индексларни ҳисоблаш бўйича услубий низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Уй-жой нархлари тўғрисида сўровнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ушбу қарор 2020 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов

Уй-жой бозорида нархлар кузатувини ташкил этиш ва индексларни ҳисоблаш бўйича услубий низом

1. Умумий қоидалар

Уй-жой бозорида нархлар кузатувини ташкил этиш ва индексларни ҳисоблаш бўйича услубий низом (кейинги ўринларда – услубий низом) давлат статистика органлари томонидан Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойлар нархлари кузатувини ташкил этиш ва индексларини ҳисоблашда фойдаланилади.

Услубий низом уй-жой бозоридаги нархлар даражасини кузатишдаги асосий умумдавлат статистик жиҳатларини, кузатув учун уй-жойлар танлови, салмоқ вазнларни шакллантириш, индексларни ҳисоблаш формулалари ва босқичларини белгилайди.

Мазкур услубий низом Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Евростат, Европа иқтисодий комиссияси ва Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган “Уй-жой нархлари индекси бўйича қўлланма” асосидаги тавсиялар бўйича шакллантирилган.

Уй-жой нархлари индексини ҳисоблаш тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури қонуний асос бўлиб ҳисобланади.

Ушбу услубий низомда уй-жой нархлари индексини шакллантиришдаги мавжуд усуллар, нархлар тўғрисидаги ахборотларни олишда маълумотлар манбаининг ўзига хослиги ҳамда республика бўйича мазкур индекс кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиблари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорларидаги нархларнинг ўзгариши катталигини ўлчаш уй бозоридаги нархлар индексини шакллантиришнинг мақсади ҳисобланади.

2. Асосий тушунча ва таърифлар

1. Мазкур услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

уй-жой бозори – аввал фойдаланишда бўлган ёки янги қурилган турар-жой олди-сотдиси билан боғлиқ бозор;

турар жой – ярмидан кўп жойи (худуди) яшаш учун мўлжалланган бино;

бирламчи уй-жой бозори – фойдаланишга янги киритилган уй-жой бозори;

иккиламчи уй-жой бозори - сотиш объекти маълум вақтдан бери фойдаланишда бўлган ва фойдаланиш натижасида маълум даражада эскирган уй-жой бозори;

уй-жой нархлари индекси – турар-жой (яшаш) нархлари ўзгаришини акс эттирувчи нисбий кўрсаткич;

турар-жойнинг умумий майдони – хонадоннинг турар ва нотурар жойларининг умумий майдони;

турар-жой умумий майдонининг бир квадрат метрининг ўртача нархи – турар-жой умумий майдонининг бир квадрат метрига нарх даражаларининг ўртача тортилган геометрик катталиги.

3. Уй-жой бозоридаги нархлар индексини ҳисоблаш инструментарийси

2. Уй-жой бозоридаги ўртача нархлар ва нарх индексларини шакллантиришдаги бирламчи маълумотлар манбаи бўлиб, маъмурий манбалар маълумотлари, шунингдек, 12-наrx “Уй-жой нархлари сўровномаси” асосидаги уй-жой нархлари давлат статистик танланма кузатуви маълумотлари ҳисобланади.

4. Уй-жой бозорининг ўртача нархларини шакллантириш ва индексларни ҳисоблашнинг асосий босқичлари

3. Нархлар кузатувини ташкил этиш ва индексларни ҳисоблаш қуйидаги схема асосида амалга оширилади:

маълумотлар манбаини ва нархларни рўйхатга олиш тартибини аниқлаш;

нархлар кузатувини амалга ошириш учун объектлар танлови;

турли даражада умумлаштирилган нарх индексларини ҳисоблаш учун салмоқ вази ўлчови тизимини шакллантириш;

формула танлови ва нарх индексини ҳисоблаш.

5. Маълумотлар манбаи ва нархларни рўйхатга олиш тартибини аниқлаш

4. Уй-жой нархлари индекси маълумотлар манбаидан шакллантирилган ахборотларнинг сифатига боғлиқ. Уй-жой нархлари индексини шакллантиришда мақбул маълумотлар манбаини танлаш энг асосий вазифалардан биридир. Маълумотлар манбаи танловининг мезони қуйидагилар ҳисобланади:

фойдаланилаётган маълумотлар манбаи уй-жой нархлари индексини шакллантириш мақсадларига мос бўлиши;

манба томонидан тақдим этилаётган маълумотлар аниқ ва тўлиқ бўлиши керак;

нарх маълумотлари долзарб ҳамда белгиланган муддатдан аввал олиниши мумкин;

турар-жой объектлари сифат ўзгаришини ҳисобга олиш учун керакли маълумотлар ҳажми билан таъминлаш;

тушунчалар, қамров, даврийлик ва бошқа тавсифлар бўйича халқаро ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган манбаларга зид келмайди.

5. Уй-жой нархлари индексини ҳисоблашда маъмурий манбалар, кўчмас мулк агентликлари, интернет ресурслари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалар маълумотларидан фойдаланилади.

6. Манбалар таркибидаги маълумотлар тавсифи, сифати ва тезкорлиги, қамров даражаси ва даврийлиги, кузатув бирликлари, тушунчалар ва уларнинг таърифлари бўйича фарқланади.

7. Статистик мақсадлар учун мавжуд бўлган маъмурий манбалар минимал харажат билан юқори даражадаги тўлиқлик ва сифатга эга. Кўпгина мамлакатларда уй-жой нархлари индексини шакллантиришда ер регистри ва нотариуслар каби маъмурий манбалар маълумотларидан фойдаланилади.

8. Агар маъмурий манбалар маълумотлари талабга жавоб бермаса уй-жой бозоридаги нархлар индексини шакллантириш бўйича маълумотлар махсус ташкил этилган кузатувлардан, уй-жой нархларини сотиш бўйича эълонлардан, оммавий ахборот воситалари ёки интернет манбаларидаги ахборотлардан олинади.

6. Нархлар кузатуви учун объектлар танлови

9. Маълумотлар манбаига қараб бирламчи ёки иккиламчи бозордаги уй-жойларнинг сотиш нархлари кузатилади.

10. Уй-жой нархлари индексини шакллантиришда табақалаштириш (стратификациялаш) усулидан фойдаланилади.

11. Стратификациялаш — бу уй-жой нархлари индексини шакллантиришдаги тўғридан-тўғри ва оддий ҳисоблаш усулидир. Стратификациянинг мақсади — объектларнинг бошланғич маълумотлари йиғиндисини нархларни бироз фарқланиши билан ажралиб турадиган гуруҳларга ажратишдир.

12. Ажратиш нархларни белгиловчи хусусиятларига кўра амалга оширилиб, уларнинг асосийлари турар-жой майдони (жами ва турар-жой), жойлашган манзили, тури, уй девори материаллари ҳамда бошқа хусусиятлар (қават, хоналар сони, санитария мосламалари сони, лифт ва б.) ҳисобланади.

13. Стратификация қилинган намунани танлаш икки босқичли жараён бўлиб, унинг давомида ўрганилаётган жамланмани ташкил этадиган кўплаб элементлар қатламларга бўлинади, шунинг учун унинг ҳар бир элементи битта ва битта қатламга киради.

14. Стратификация учун ўзгарувчини танлаш қуйидаги тамойилларга асосланади:

бир қатламнинг элементлари бир-бирига ўхшаш ва турли қатламларга киритилган элементлар бир-биридан фарқ қилади;

Ўзгарувчилар уй-жой нархлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу муносабатлар қанчалик яқин бўлса, олинадиган маълумотлар шунчалик аниқроқ бўлади;

Ўзгарувчилар табақаланиш (стратификацияланиш)нинг соддалигини ҳисобга олган ҳолда танланади.

15. Стратификация параметрларини танлаш доимий равишда уй-жойларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигига ва уларнинг нархга таъсир килиш даражасига боғлиқ. Табақанинг мақбул сонини аниқлаш стратификациялаш усулининг асосий вазифаларидан биридир.

16. Уй-жойларнинг хусусиятларига кўра батафсил стратификациялаш қатламнинг бир хиллигини таъминлайди ва уй-жой сифатининг ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни камайтиради. Бир хил қатламларни аниқлашда ҳар бир гуруҳнинг ўртача нархи уй-жойнинг маълум тури учун доимий сифат нархи сифатида ишлатилади. Қатламлар сонининг ҳаддан зиёд кўпайиши билан гуруҳ ичидаги кузатувлар сони камаяда ёки унда битта ҳам турар-жой объекти бўлмайди.

17. Йириклаштирилган стратификациялашда билан қатлам ичидаги турар-жой объектлари танланмасида сезиларли таркибий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу эса вақт ўтиши билан кузатилаётган уй-жойларнинг таққосланиши тартибининг бузилишига сабаб бўлади ва уй-жой нархлари индекси ўлчовини бузилиши эҳтимолини оширади.

Амалдаги маълумотлар манбалари уй-жойларни танланган хусусиятларга кўра гуруҳларга бўлиш ва ҳар хил турдаги уй-жойларнинг нарх индексларини шакллантириш имконини беради.

18. Стратификация усулининг тамойилларини фойдаланувчиларга тушунтириш осон бўлиб, бу эса кўрсаткични шакллантириш методологиясининг шаффофлигини таъминлайди.

19. Уй-жой нархлари кузатуви ҳудудий статистика органларининг нарх бўйича масъул мутахассислари томонидан амалга оширилади. Маълумот йиғиш уй-жойлар савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ходимлари билан бевосита сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ёки интернет-ресурсларда жойлаштирилган эълонлардан қайд этилган ҳолда амалга оширилади.

20. Нархлар тўғрисида маълумот ҳар ой Нукус, Тошкент шаҳарларида (танланган туманларда) ва вилоятларнинг маъмурий марказларидан йиғилади.

21. Янги уй-жой нархларининг мониторинги учун ҳудудларнинг бирламчи уй-жой бозорида мавжуд бўлган уй-жой турларининг намунаси танлаб олинади. Тошкент шаҳридан ташқари кузатиш учун танланган шаҳарларда барча янги турар жой бинолари намуналари киритилади. Агар шаҳарда тижорат қурилиш ташкилотлари томонидан қурилган янги турар жой бўлмаса, давлат дастурлари доирасида сотилидиган уй-жой кузатув танловига киритилишига йўл қўйилади.

22. Нархларни рўйхатга олишда янги кўп қаватли уйлардаги девор материаллари ғишт, моноклит ёки панелли ҳар хил безакларга эга бир, икки, уч, тўрт хонали шинам хонадонлар қамраб олинади.

Тайёр хонадонлар – бу яшашга тўлиқ тайёр хонадонлар. Бундай хонадонлар ички пардоз (девор сиртини қоплаш, бўёқлаш, девор гулқоғозларини ёпиштириш) ишлари тугатилганлиги, полларни тартибга солинганлиги, санитария тизимлари ва жиҳозлари, маиший электр жиҳозлари, газ ёки электр печкалари ва ёпиқ эшик блоклари ўрнатилганлиги билан тавсифланади.

Яхшиланган ёки қуриб битказилган хонадонлар - бу яшаш учун ҳар хил даражадаги тайёр хонадонлар бўлиб, бунда безатиш билан боғлиқ ишлар бажарилиши керак.

23. Хонадонни сотиш нархи батафсил тавсифлар билан қайд этилади, жумладан, уйнинг ташқи деворлари, жойлашган жойи, материали, хоналар сони, беаги, умумий турар-жой майдони ва ошхона майдони, қаватлар сони, хонадон қавати, турар жой синфи, турар-жой комплексининг номи (агар мавжуд бўлса).

24. Иккиламчи бозорда, сўров даврида ўзгармаган, танланган хусусиятларга эга (умумий майдони, жойлашган ўрни, хоналарнинг сони, қавати, уйнинг девор материали, қурилган йили) тўлиқ ва тўлиқсиз шароитга эга уй-жойларни қайта сотиш нархлари кузатилиши керак. Квартираларни танлашда уларнинг энг кўп тарқалган вакил турлари ҳисобга олинади.

25. Уй-жой танловини шакллантириш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

вакиллик. Кузатувга киритилган хонадон тури уй-жой бозорининг умумий тузилишида катта улушни эгаллайди ва тақдим этилган турнинг нарх динамикасини акс эттиради;

долзарблик, мунтазамлик. Танланган квартиранинг тури талабга эга ва узоқ вақт давомида бозорда бўлиб турибди.

26. Қулай уй-жойларни қайта сотиш нархини кузатиш учун намунавий, кўп қаватли ғиштли, яхлит ёки панелли уйлардаги бир, икки, уч, тўрт хонали квартиралар, қулай бўлмаган уй-жойлар учун – коммунал шароитларнинг камида битта турига эга бўлмаган (сув таъминоти, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув) кўп қаватли уйлардаги хонадонлар танлаб олинади.

27. Кўрсаткичларни ҳисоблашнинг аниқлиги учун ахборотни ҳар хил кўринишда назорат қилиш кўзда тутилади. Ҳисоб-китобларда, ҳаддан ташқари нархлар бўйича битимлар, белгиланган чегарадан ошиб кетадиган хоналар ва хоналар сони бўлган уй-жой сотиш бўйича битимлар ҳисобга олинмайди.

28. Агар қатламдаги битимлар сони кичик ёки нолга тенг бўлса, ушбу қатлам учун ўртача нарх ва нарх индексини ҳисоблаш учун улар шартли равишда шаҳарнинг бошқа қатламлари ёки бошқа шаҳарларнинг ўхшаш қатламлари учун нархларнинг ўртача ўзгариши асосида ҳисобланади.

7. Турли хил умумлаштириш даражаси бўйича нарх индексларини ҳисоблаш учун вазн тизимларини шакллантириш

29. Ўртача нархлар ва нархлар индексларини шакллантириш учун ҳудудлар ва республика бўйича ўлчов тизими шакллантирилади.

Вазнларни ўлчаш тизими стандарт таснифга мувофиқ турли хил умумлаштириш даражаси бўйича аниқланадиган уй-жой турлари салмоқларининг йиғиндисидир. Ундан фойдаланиб, индикаторларни энг паст даражадан юқори даражагача бўлганлари жамланади.

Салмоқларнинг таркибий қисмлари ҳар бир ўрганилаётган турар жой турининг аҳамиятини ва унинг нархидаги ўзгаришларни индекснинг умумий қийматида таъсирини акс эттиради.

30. Салмоқ вазнларни шакллантириш манбалари:

1) уй-жойларни фойдаланишга топшириш тўғрисидаги маълумотлар янги уй-жойларни сотиш учун ишлатилади;

2) уй-жой фондини қайта сотиш учун республиканинг уй-жой фонди тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

8. Уй-жой нархларининг статистик кўрсаткичлари

31. Уй-жой нархларининг давлат статистика кузатувлари асосида қуйидаги турлар бўйича ўртача нархлар ва нархлар индекслари шакллантирилади:

1) уй-жой фондининг бирламчи бозори;

2) иккиламчи уй-жой бозори.

32. Мавжуд манбалардан олинган маълумотларга асосланиб, уйларни (кўп хонали уйлардаги хонадонлар) сотиш бўйича бир, икки, уч ва тўрт хонали хонадонларнинг ўртача нархлари ва нархлар индекслари шакллантирилади.

9. Ўртача нархлар ва нархлар индексларини ҳисоблаш

33. Уй-жой бозоридаги ўртача нархлар ва нархлар индексларини ҳисоблаш Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чоракда амалга оширилади.

34. Ҳудуддаги k турдаги уй-жойнинг умумий майдони 1 квадрат метрининг ўртача нархи ушбу турдаги уй-жой объектларида кузатилаётган нархлардан ўртача геометрик бирлик сифатида ҳисобланади:

$$P_t^k = \sqrt[k]{P_1 \times P_2 \times \dots \times P_n}$$

бу ерда:

P_t^k - t даврдаги k турдаги уй-жойнинг ўртача нархи;

$P_1 \times P_2 \times \dots \times P_n$ - t даврдаги k турдаги уй-жойнинг нархларини ҳисоблаш;

$n - t$ даврдаги k турдаги уй-жой нархларининг тўпلامдаги (қатламдаги) сони.

35. k турдаги уй-жойнинг умумий майдони бир квадрат метрининг республика бўйича ўртача нархи ҳисоб-китоби кузатилаётган шаҳарлардаги ўртача нархлар ва уларнинг вазнлари таркибига асосан қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$P^k = \frac{\sum_{i=1}^n p_i^k \times \omega_i}{\sum_{i=1}^n \omega_i}$$

бу ерда:

P^k – t даврдаги k турдаги уй-жойнинг республика бўйича ўртача нархи;

P_i^k – i шаҳардаги k турдаги уй-жойнинг ўртача нархи;

ω_i – i шаҳарнинг вазни;

n – нархлар сони.

Янги уй-жойларни сотиш учун – ҳудудларнинг фойдаланишга топширилган уй-жойлар умумий ҳажмидаги улуши, уй-жойларни қайта сотиш учун – ҳудудларнинг умумий уй-жой фондидаги улуши шаҳарларнинг вазни бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги формулага ўхшаш формуладан уй-жой ўртача нархларини оддий даражадан юқорироқ даражага агрегация қилиш учун фойдаланилади. Ушбу ҳолатда ω_i – i турдаги уй-жойнинг вазни ҳисобланади.

36. Уй-жой ўртача нархлари индивидуал ўртача нархлар индексини ҳисоблаш учун асос ҳисобланади. Индивидуал (элементар) нархлар индекси ўрганилаётган тўпلامнинг (аниқ турдаги уй-жойнинг) битта элементи нархлари ўзгаришини акс эттиради.

Индивидуал нархлар индекси ҳар бир турдаги уй-жой учун Джевонс формуласи бўйича ҳисобот ва базис даврдаги муайян турдаги уй-жойнинг ўртача геометрик нархлари солиштирмасининг оддий нисбий катталиги сифатида аниқланади:

$$I^k = \frac{\sqrt[n_t]{\prod_{k=1}^{n_t} P_t^k}}{\sqrt[n_{t-1}]{\prod_{k=1}^{n_{t-1}} P_{t-1}^k}}$$

бу ерда:

I^k – k турдаги уй-жойнинг жорий ҳисобот давридаги ўтган ҳисобот даври билан солиштирилган нарх индекси;

$\sqrt[n_t]{\prod_{k=1}^{n_t} P_t^k}$, $\sqrt[n_{t-1}]{\prod_{k=1}^{n_{t-1}} P_{t-1}^k}$ – k турдаги уй-жойнинг t ва $t-1$ даврларидаги ўртача нархи;

n – нархлар сони.

37. Индивидуал нархлар индекси асосида уларни умулаштириш амалга оширилади. Агрегат индекс ўзаро ўлчанмайдиган элементлардан таркиб топган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг ўртача ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткич ҳисобланади.

Агрегат нархлар индекси уй-жой турлари бўйича индивидуал нархлар индексидан ўртача тортилган катталиқ сифатида аниқланади. Ҳисоб-китоблар учун Ласпейрес формуласидан фойдаланилади:

$$I_L = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^t \times Q_i}{\sum_{i=1}^n P_i^{t-1} \times Q_i}$$

бу ерда:

I_L – уй-жойнинг t давридаги ўтган $t-1$ даври билан солиштирилган нарх индекси;

P_t, P_{t-1} – мос равишда t ва $t-1$ даврларидаги уй-жой нархлари;

Q – агрегатлаш учун вазнлар сифатида қабул қилинадиган, фойдаланишга топширилган уй-жойнинг умумий майдони ёки уй-жойнинг уй-жой фондидаги умумий майдони (ҳисобланаётган индексга боғлиқ ҳолда);

n – нархлар сони.

38. Нархлар индекси солиштиришнинг турли даврларига ҳисобланади:

1) ҳисобот ойининг ўтган йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси ҳисобот ойининг ўтган ойга нисбатан нарх индекси ва ўтган ойнинг ўтган йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси кўпайтмаси воситасида топилади:

$$I_{dt} = I_t \times I_{dt-1}$$

бу ерда:

I_{dt} – ҳисобот ойининг ўтган йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси;

I_t – ҳисобот ойининг ўтган ойга нисбатан нарх индекси;

I_{dt-1} – ўтган ойнинг ўтган йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси.

2) ҳисобот ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси ҳисобот даври нарх индексини ўтган ойга нисбатан ва ўтган ойнинг ўтган йилнинг декабрига нисбатан нарх индексини чиқариш билан ҳисобланади:

$$I_{d0t} = I_t \times I_{d0t-1}$$

бу ерда:

I_{d0t} – ҳисобот ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси;

I_{d0t-1} – ўтган ойнинг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси.

3) ҳисобот ойининг ўтган йилнинг мос ойига нисбатан нарх индекси ҳисобот ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индексини ўтган йилнинг мос ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индексига нисбати орқали аниқланади:

$$I_{t/t-12} = \frac{I_{d0t}}{I_{d0t-12}}$$

бу ерда:

$I_{t/t-12}$ – ҳисобот ойининг ўтган йилнинг мос ойига нисбатан нарх индекси;

I_{d0t} – ҳисобот ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси;

I_{d0t-12} – ўтган йилнинг мос ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси.

4) йил бошидан даврига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан нарх индекси ҳисобот даври ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекси йиғиндисини ўтган йилнинг мос даври ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индексига нисбати орқали ҳисобланади:

$$I_{\text{яна}-s(g)/(g-1)} = \frac{\sum_{t=1}^s I_{d0t(g)}}{\sum_{t=1}^s I_{d0t(g-1)}}$$

бу ерда:

$I_{\text{яна}-s(g)/(g-1)}$ – g жорий йилнинг январь ойидан s ойигача даврининг $g-1$ ўтган йилнинг мос даврига нисбатан нарх индекси;

$I_{d0t(g)}$ – g жорий йилнинг январидан бошлаб s ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекси;

$I_{d0t(g-1)}$ – $g-1$ ўтган йилнинг январидан бошлаб s ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекси.

5) ҳисобот чорагининг ўтган чоракка нисбатан нарх индекси ҳисобот чорагига кирувчи ойларнинг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекси йиғиндисини ўтган чорак ойларининг мос индекслари йиғиндисига нисбати билан ҳисобланади:

$$I_{k/k-1} = \frac{I_{d0k_1} + I_{d0k_2} + I_{d0k_3}}{I_{d0(k-1)_1} + I_{d0(k-1)_2} + I_{d0(k-1)_3}}$$

бу ерда:

$I_{k/k-1}$ – ҳисобот чорагининг ўтган чоракка нисбатан нарх индекси;

$I_{d0k_1}, I_{d0k_2}, I_{d0k_3}$ – ҳисобот чораги ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекслари;

$I_{d0(k-1)_1}, I_{d0(k-1)_2}, I_{d0(k-1)_3}$ – ўтган чорак ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекслари.

6) ҳисобот чорагининг ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан нарх индекси:

$$I_{k/k-4} = \frac{I_{d0k_1} + I_{d0k_2} + I_{d0k_3}}{I_{d0(k-4)_1} + I_{d0(k-4)_2} + I_{d0(k-4)_3}}$$

бу ерда:

$I_{k/k-4}$ – ҳисобот чорагининг мос чоракка нисбатан нарх индекси;

$I_{d0k_1}, I_{d0k_2}, I_{d0k_3}$ – ҳисобот чораги ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекслари;

$I_{d0(k-4)_1}, I_{d0(k-4)_2}, I_{d0(k-4)_3}$ – ўтган йилнинг мос чораги ойларининг базис йилнинг декабрига нисбатан нархлари индекслари.

7) чорак учун нарх индекси:

$$I_k = \frac{I_{d0k_3}}{I_{d0(k-1)_3}}$$

бу ерда:

I_k – чорак учун нарх индекси;

I_{d0k_3} – ҳисобот чораги охириг ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси;

$I_{d0(k-1)_3}$ – ўтган чорак охириг ойининг базис йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси.

Шунингдек, биринчи чорак учун нарх индекси март ойининг ўтган йилнинг декабрига нисбатан нарх индексига мос келади.

10. Якуний қоидалар

39. Нархлар даражаси ва уларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар уларнинг республика иқтисодиётига таъсирини баҳолаш учун статистик таҳлил қилишда, шунингдек мамлакатда уй-жой кўчмас мулк бозорида шаклланган жорий ҳолатни баҳолашда фойдаланилиши мумкин.

40. Нашрлар ва расмий хабарларда нархлар индекслари тўғрисидаги маълумотлар вергулдан кейин битта ўнлик белги билан жойлаштирилади.